


Фирдавсий нега тушкунликка тушган?



15:09 / 18.09.2020 2279

Савол: Атоқли форс шоири Фирдавсий ўзининг шоҳ асари «Шоҳнома» учун тақдирланмаган, жамиятда қадр топмай, умри охирида надоматлар ичра яшаган деб ўқиб қолдим. Бунга нима сабаб бўлган?

Жавоб:

Абулқосим Фирдавсий машҳур «Шоҳнома» асарини ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавийга ҳадя қилди, ваҳоланки, шоир асарни Султон тахтга ўтиришидан анча олдин ёзиб тугатган эди. Аммо диний доиралар таъсирида бўлган ва ўзини художўйликнинг ҳимоячиси санаган Султон шоирнинг умидларини оқламади (яъни асарни қабул қилмади). Бундан қаттиқ ғазабланган Фирдавсий ёт ҳукмдорлардан паноҳ излашга тушди, аммо сосоний анъаналарнинг тарафдорлари бўлган буидлардан ҳам марҳамат кўрмади. Турмушнинг қаттиқ сабоқлари таъсирида у Буид князларидан бирининг саройида Қуръони Каримдаги Юсуф алайҳиссалом ва Зулайҳонинг унга бўлган ишқий қиссасини шеърга солади. Шеъринг муқаддимада кексайиб қолган шоир ўзининг олдинги барча асарларидан воз кечганини ёзади ва мажусий қаҳрамонлар ҳамда уларнинг тўқима жасоратларини мадҳ этишга, «бир ҳовуч кулга» ҳам арзимайдиган ҳикоялар тўқишга сарфланган йиллар учун ўзини айблайди. Чарчаган ва ҳафсаласи пир бўлган шоир она шаҳри Тусга қайтади, аммо бу ерда

дунёвий ҳукмдорлар уни аллақачон унутиб юборишган экан. Диний ҳукмдорлар ҳам ўзларининг душманларини кечиришмади: у вафот этганида мусулмонлар қабристонига дафн этилишига ижозат беришмади.

Манба: В.В.Бартольд. «Сочинения»

Москва, 1966 г. том 6.

«Ҳилол» журнали 5(14) сонидан олинди